2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 161 (417), 2021 йил 11 август, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 август куни Тошкент вилоятида саноатни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Шу йил 3 август куни бўлиб ўтган биринчи ярим йилликдаги иқтисодий натижалар таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз Тошкент вилоятида саноат ривожи учун қулай шароитлар борлиги, бу соҳада жиддий ўзгариш қилиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ, қўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда қарийб 7 триллион 700 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, ўсиш 4,6 фоизни ташкил этган. Лекин бу мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан паст. Шу боис, йил якунигача жами 18 триллион сўмлик товарлар ишлаб чиқариб, йиллик 8,5 фоиз ўсишга эришиш мўлжалланган.

Бунинг учун янги лойиҳаларни амалга ошириш, кам қувватда ишлаётган ёки тўхтаб қолган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш орқали ҳудудий саноатни ривожлантириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Шунингдек, транспорт-логистика, хизматлар, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳалари устувор йўналиш этиб белгиланган.

Йиғилишда ушбу соҳаларда амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар тақдимот қилинди.

Масалан, Зангиота туманида 1 минг 494 та саноат корхонаси бор. Жорий йилнинг 6 ойида улар томонидан қарийб 600 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Бу йил 15 та лойиҳа амалга оширилиб, яна 51 миллиард сўмлик қувват ташкил этилади.

Зангиота саноат маркази лойиҳасини алоҳида айтиб ўтиш мумкин. 116 гектар майдонда барпо этиладиган ушбу саноат ҳудудида 165 та лойиҳани жойлаштириш мўлжалланган. Уларнинг самарасида 12 мингта иш ўрни яратиш, 48 миллион долларлик экспорт қилиш ва 9 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш ҳисоб-китоб қилинган.

Ангрен шаҳрида корхоналар сони нисбатан кам — 577 та бўлса-да, уларнинг салоҳияти юқори. Шаҳарнинг Тошкент вилояти саноат ҳажмидаги улуши 28 фоиз. Жорий йилнинг 6 ойида у ерда 2 триллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар тайёрланган. Иккинчи ярим йилликда яна 15 та лойиҳа ишга туширилади.

Бундан ташқари, умумий қиймати 560 миллион долларлик 124 та лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг натижасида 39 мингта иш ўрни, 3 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилиши кўзда тутилган.

Тошкент туманида умумий қиймати 335 миллиард сўмлик 32 та, Чирчиқ шаҳрида умумий қиймати 422 миллиард сўмлик 20 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Йиғилишда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги имкониятлар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида имкониятлардан тўғри фойдаланилмаётганини қайд этиб, саноат тармоқларида янги лойиҳаларни кўпайтириш, қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳимлигини таъкидлади. Йил якуни билан ҳудудий саноат ҳажмини 40 фоизга ошириш вазифаси қўйилди.

Мавжуд заводлар фаолиятини кенгайтириш, саноати ривожланмаган туманларда корхоналар ташкил этиш, йўл бўйи хизматларини ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ТЎБДАН ЯНГИЛАНГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши ҳамда ижтимоий мослашувини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Миллий гвардиянинг “Меҳрибонлик” уйлари, Болалар шаҳарчалари, оилавий болалар уйлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг Болалар уйларини (кейинги ўринларда — ўқув-тарбия муассасалари) **Миллий гвардияга бириктириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин**.

Миллий гвардия “SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмасининг болалар маҳаллалари билан ҳамкорлик ўрнатсин.

2. Миллий гвардияга қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

ўқув-тарбия муассасаларининг тарбияланувчиларини ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шаклларини қўллаш чораларини кўриш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш;

ўқув-тарбия муассасаларида сифатли таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишга, уларнинг маиший шарт-шароитлари яхшиланишига, шунингдек, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этиш;

замонавий усул ва шакллардан фойдаланган ҳолда жисмонан соғлом, маънавий етук ва дунёқараши кенг ёшларни шакллантириш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни спорт турларига қизиқтириш ва жалб этиш.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **2021 йил 15 августдан** бошлаб етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни **уй-жой билан таъминлашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин**:

ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган **1 хонали,** вояга етган етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган **2 хонали квартиралар** ажратилади. Бунда, мазкур тоифага кирувчи ногиронлиги бўлган болаларга квартиралар кўп қаватли уйларнинг учинчи қаватигача ажратилади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун квартиралар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан кўчмас мулкнинг бирламчи бозоридаги шаҳар ва туманларда қурилган кўп квартирали уй-жойлардан харид қилинади;

тегишли туман (шаҳар)да кўчмас мулк бирламчи бозорида мазкур бандда назарда тутилган мезонларга мос келадиган квартиралар мавжуд бўлмаганда, ҳудудий “Халқпарвар” комиссиялари хулосасига асосан квартиралар кўчмас мулкнинг иккиламчи бозоридан тегишли мезонларга мувофиқ ҳолда харид қилинади;

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 йиллигига

ТИНЧЛИК — КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ИШОНЧ, ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЧОРЛОВ

Туққан ерда туғинг тик, дейди халқимиз. Бу гап замирида эгалик, шукроналик, бахтиёрлик ҳисси мужассам. Айниқса, тинч-осойишта заминда бехавотир яшаш, ҳаётимиз фаровонлиги, фарзандларимиз бахтли келажаги учун хизмат қилиш шарафли тақдирдир.
Мустақил тарихимиз ва тараққиётимизнинг 30 йиллиги остонасида эришган ютуқларимизни бирма-бир кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, аввало, юртимизда тинчликни таъминлаб келаётган ҳарбий хизматчиларимиз, миллий армиямиз қудрати ва салоҳияти, тизимдаги ислоҳотлар ҳақида гапириш ўринли бўлади.

Давоми 4-бетда

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

“БИОМЕТРИК ПАСПОРТИМГА БАРМОҚЛАРИМ ИЗИ ТУШМАГАН”

узоқ йиллар бўр ушлайвериб-ушлайвериб из ўчиб кетган экан

Ҳадемай мустақиллигимизга 30 йил тўлади. Тарих учун бу жуда қисқа давр, аммо юртимиз қўлга киритаётган ютуқлар ўта залворли. Айниқса, кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг қайси соҳасини олмайлик, улкан марралар забт этилганига гувоҳ бўляпмиз. Хусусан, таълимга қаратилаётган эътибор беқиёс.

Давоми 5-бетда

МУНОСАБАТ

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МИНТАҚАВИЙ АРХИТЕКТУРАСИ

Марказий Осиёга сўнгги бир неча йилдан буён ҳам минтақавий акторлар, ҳам дунёнинг етакчи мамлакатлари диққат-эътибори қаратилган. Минтақага халқаро ҳамжамиятнинг қизиқиши ортиб бораётгани нафақат Марказий Осиёнинг геостратегик аҳамиятлилиги билан, балки тарихий туташ маконда содир бўлаётган ички тенденциялар, жараёнлар ва воқеалар қуршовида Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги Ўзбекистоннинг янги минтақавий сиёсати натижасида юзага келди.

Давоми 4-бетда

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ ОФИСИ

технологияларни яратишда миллий руҳ ва қадриятларга таянади

Давлатимиз раҳбарининг “Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма шакллантирмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз”, деган гапи замирида юксак тараққиётни кўзлаган мақсадлар мужассам. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳам ана шундай илғор мақсадларга хизмат қиладиган ва юртимиз имкониятларини дунёга танитадиган тузилма сифатида ташкил этилган.

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ТУБДАН ЯНГИЛАНГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Миллий гвардия таркибида:

марказий девони тузилмасида ўқув-тарбия муассасаларида ёшларнинг таълим ва тарбия олиш жараёнларини ҳамда уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишга масъул **Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари лавозими жорий этилсин**;

Жамоат хавфсизлиги университетида “Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш” **кафедраси ташкил этилсин**.

4. Белгилансинки:

оилавий болалар уйлари ва Болалар уйларига ҳамда васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга (йигирма беш ёшга тўлмаган) Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчи ва ходимлари бириктирилади;

бириктирилган ҳарбий хизматчи ва ходимлар васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда бир ойда камида бир маротаба етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан суҳбатлар ўтказиш асосида уларнинг таълим-тарбия олиш аҳволини ва маиший шарт-шароитларини ўрганади, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шаклларини қўллаш чораларини кўриб боради.

5. Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов) икки ой муддатда:

а) Миллий гвардия (Р.Джураев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошкулов), Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов) ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков) билан биргаликда:

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга тарбия бериш, уларни фан, ахборот технологиялари, хорижий тиллар, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва спорт билан шуғулланишларини ташкил этиш бўйича **янги тизимни амалиётга татбиқ этсин**;

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида улар томонидан эришилган натижаларни баҳолаш орқали **ўқув-тарбия муассасаларининг рейтинг тизимини жорий қилсин**;

б) Миллий гвардия (Р.Джураев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков) билан биргаликда ўқув-тарбия муассасаларининг Тошкент шаҳридаги Инха университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, IT-парклар билан ўзаро алоқалар ўрнатишини таъминласин ҳамда улар томонидан ўқув курслари ташкил этилиши чораларини кўрсин;

в) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, васийликка ва ҳомийликка олинган болалар ва оилага тарбияга берилган (патронат) болалар бўйича яратилган ахборот тизимида маълумотларни тўлиқ шакллантирган ҳолда Миллий гвардия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ушбу тизимдан фойдаланиш ҳуқуқини берсин;

г) Миллий гвардия (Р.Джураев), Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини ҳар йили камида икки маротаба ўқишдан бўш вақтларида **Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга олиб чиқиш дастурини тасдиқласин**. Бунда, саёҳат давомида ички ишлар органлари ҳамроҳлиги Ички ишлар вазирлиги маблағлари ҳисобидан ҳамда ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини саёҳатга олиб чиқиш (транспорт, яшаш ва овқатланиш) билан боғлиқ харажатлар ўқув-тарбия муассасаларига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади;

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари учун якка кураш, от спорти, футбол, сузиш, теннис, шахмат каби спорт турлари бўйича **спорт тўгаракларини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини тасдиқласин**.

6. Миллий гвардия (Р.Джураев) Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар Жамоат хавфсизлиги университетида ўқув-тарбия муассасалари тарбиячиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйсин.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошкулов) Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов) ва Миллий гвардия (Р.Джураев) билан биргаликда ҳар йили 1 сентябрга қадар янги ўқув йили учун олий таълим муассасалари етакчи профессор-ўқитувчиларининг “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларининг тарбияланувчиларини ахборот технологиялари, хорижий тиллар, аниқ, табиий ва бошқа фанларга ўқитиш бўйича факультатив ва тўгарак машғулотларини, “давра суҳбатларини”, фан мусобақаларини ташкил этиш дастурини тасдиқласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларини зарур спорт анжомлари (болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитларни яратган ҳолда), 20 тадан замонавий компьютер тўплами (узлуксиз тезкор Интернет тармоғига улаган ҳолда), тикувчилик, ошпазлик, қандолатчилик ва бошқа соҳадаги тўгаракларни ташкил этишга ихтисослашган хоналарнинг зарур моддий-техник базаси ҳамда автобуслар ва микроавтобуслар билан таъминласин.

9. Олий Мажлис Сенатига (Т.Нарбаева) мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тавсия этилсин:

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш бўйича “Меҳр дафтари” тизимини ҳаётга татбиқ этиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) оладиган оилаларда тарбиялашни рағбатлантириш амалиётини жорий этиш ҳисобига ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланувчиларни босқичма-босқич фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) оладиган оилаларда тарбиялашга ўтказиш чораларини кўриш;

болаларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг сабабларини ўрганиш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш.

10. Белгилансинки:

2021 йил 1 ноябрдан бошлаб “Меҳр дафтари” тизими доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан **“Меҳр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ташкил этилади**;

2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумидан ажратмалар миқдори беш фоиздан уч фоизга пасайтирилади;

2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг уч фоиз миқдоридаги ажратмалар бюджетга тўланадиган солиқ ва йиғимларга тенглаштирилади, ушбу ажратмалар солиқ органлари томонидан ундирилади ва импорт қилинадиган алкоголь маҳсулотларига нисбатан татбиқ этилмайди;

“Меҳр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари ҳомийлик маблағлари, 2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг уч фоизи миқдоридаги ажратмалар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

11. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оилага тарбияга олинган (патронат) қизларнинг таълим-тарбияси, уларни балоғатга, турмушга тайёрлаш ишларига масъул этиб белгилаш ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан:

ҳар йили камида икки маротаба ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оилага тарбияга олинган (патронат) қизларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб бориш;

ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оилага тарбияга олинган (патронат) қизларни “Меҳр дафтари”га киритиб, уларни қийнаётган масалаларни жойида ҳал қилишга ҳамда ўқув-тарбия муассасаларидан кейинги ҳаётида ўз ўрнини топишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

б) Халқ таълим вазирлиги ва Миллий гвардия тавсиясига биноан **ҳар йили 25 нафар ўқув-тарбия муассасалари тарбиячиларини** Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги **санаторийларда бепул даволаш**.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларига мунтазам равишда “Меҳр дафтари”га киритилган болалар билан ишлашга масъул давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисоботларни эшитиб бориш амалиётини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

13. Бош прокуратура (Н.Йўлдошев) ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган вояга етмаган фарзанди учун ота-оналардан алиментларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминласин.

14. Ички ишлар вазирлиги Миллий гвардияга бириктирилган Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасасининг тарбияланувчилари билан ишлаш жараёнларига кўмаклашсин.

15. Ички ишлар вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг:

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 2-сон касб-ҳунар мактабини ушбу тумандаги 39-сон умумий ўрта таълим мактаби биносига;

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасини Чиноз туманидаги 2-сон касб-ҳунар мактабининг бўшайдиган биносига кўчириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

16. Молия вазирлиги (Т.Ишметов);

бир ой муддатда “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларида харажатлар сметаси тузилиши ва ижро этилишини, иш ҳақининг ҳисобланиши ва тўланишини, товар, иш ва хизматларнинг харид қилинишини, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг юритилишини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларига икки нафардан ҳудудий молия органларининг малакали ходимларини бириктирсин;

мазкур қарор ижроси билан боғлиқ харажатлар учун маблағларни тегишли вазирлик ва идораларнинг асослантирилган ҳисоб-китоблари асосида 2021 йилда Давлат бюджети ҳисобидан ажратилишини таъминласин ҳамда 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига:

мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка ва патронатга) олиш ҳамда оилавий болалар уйларини ташкил этиш тартибини, унинг ижтимоий аҳамиятини жамоатчиликка кенг ёритиш;

жамиятда айрим ота-оналар томонидан ўз фарзандларини меҳрибонлик ва болалар уйларига топширишлари сабабларини кенг таҳлил қилган ҳолда бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий роликларни намойиш этиш, давра суҳбатлари ва муҳокамалар ташкил этиш тавсия этилсин.

18. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

19. Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий гвардия қўмондони Р.М.Джураев, халқ таълими вазири Ш.Ҳ.Шерматов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.М.Кенжаев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чоракда ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 9 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жойлар билан таъминлаш **“онлайн-навбат”** тизими асосида амалга оширилади, бунда мазкур навбатга ўзгартириш киритилишига ҳамда навбатидан олдин кейинги навбатдаги болаларга уй-жой ажратилишига йўл қўйилмайди;

Халқ таълими вазирлиги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жой билан таъминланиши ҳолати ҳақидаги ҳар ойда янгиланадиган маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириб боради.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойлар мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи асосида, бироқ улар 30 ёшга тўлгунга қадар уй-жойни сотиш, ҳадя қилиш ёки гаровга қўйиш ёхуд ижарага бериш ҳамда уй-жойда ўзи ва оила аъзолари (эри ёки хотини, фарзандлари)дан ташқари бошқа фуқароларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ҳуқуқисиз ажратилади.

Бунда, етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг асослантирилган мурожаати асосида маҳаллий ҳокимликлар томонидан уй-жойнинг умумий майдонини кенгайтириш ва мазкур бандда назарда тутилган талабларни сақлаб қолиш шарти билан сотишга рухсат берилади;

б) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш жараёнида қуйидагилар тақиқланади:

битта кўп квартирали уй-жойнинг ҳар бир кириш йўлагидаги квартираларда бир нафардан ортиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш;

икки ва ундан ортиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун кўп квартирали уй-жойдан битта квартира ажратиш (улар ўртасида никоҳ тузилган ҳоллар мустасно);

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун алоҳида кўп қаватли уй-жойлар қуриш ва бу ерда уларнинг барчасини жойлаштириш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун ётоқхоналардан уй-жойлар ажратиш (харид қилиш);

в) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар коллеж, академик лицей, техникум ва олий таълим муассасаларида ўқиётган даврида маҳаллий ҳокимликлар томонидан ажратилган уй-жойларда коммунал хизматларнинг меъёрий кўрсаткичлари бўйича фойдаланилган коммунал хизматлар учун тўловларнинг эллик фоизи тегишли туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан компенсация қилинади.

Бунда, маҳаллий ҳокимликлар томонидан ажратилган уй-жойларда фойдаланиладиган коммунал хизматларнинг меъёрий кўрсаткичлари тегишли туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

3. Қуйидагилар:

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жойлар билан таъминлашни ташкил этиш, уй-жойларнинг адолатли тақсимланиши ва ўз вақтида ажратилишини назорат қилиш бўйича **Республика комиссиясининг** (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) **таркиби 1-иловага мувофиқ**;

2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун уй-жой харид қилишнинг **мақсадли параметрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

4. Уй-жойларга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой харид қилиш ва қуриш учун:

2021 йилда талаб этиладиган маблағларнинг 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, қолган қисми Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ва бошқа маблағлар ҳисобидан ажратилади;

2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида Молия вазирлиги учун ажратилган маблағлар таркибида алоҳида сатрда маблағлар режалаштирилиб, кейинчалик ҳақиқий талабдан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига қайта тақсимлаш орқали йўналтирилади.

Бунда, таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

5. Республика комиссияси (А.Арипов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2021 йил 1 декабрга қадар мазкур қарор доирасида уй-жойга муҳтож **757 нафар** етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда:

ўн кун муддатда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига киритилишини;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ажратилган уй-жойлар яшаш учун барча зарур шароитларга эга бўлган (таъмирланган ва жиҳозланган) ҳолда топширилишини таъминласин.

7. Ҳисоб палатаси (Б.Турабов) ва Бош прокуратура (Н.Йўлдошев) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш учун ажратиладиган маблағларнинг шаклланиши ва мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатсин.

8. Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов) ва Миллий гвардия (Р.Джураев):

бир ой муддатда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг “онлайн-навбат” тизимини амалиётга жорий этсин;

уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар рўйхатининг “онлайн-навбат” тизимига киритилишини ва доимий янгиланишини таъминласин;

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жойга муҳтожлигини “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқланишини йўлга қўйсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

10. **Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш** мақсадида **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-, 2-бетларда

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга **навбатга қўйилмаган ҳолда жойлаштирилади;**

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар техникум, коллеж, академик лицей ёки олий таълим муассасасида ўқиётган даврида ҳар ўқув йилида бир маротаба **ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар) харид қилиш харажатлари учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида субсидиялар ажратилади;**

вазирлик ва идоралар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган графикка асосан бир йилда камида бир маротаба барча “Меҳрибонлик” уйлари, Болалар шаҳарчалари ва оилавий болалар уйлари, шунингдек, “SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмасининг болалар маҳаллаларида (кейинги ўринларда — ўқув-тарбия муассасалари) тақдимотлар ўтказади. Бунда, мазкур тақдимотлар ўтказиш методикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади;

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг нодавлат таълим ташкилотларининг хорижий тиллар, олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун имтиҳон топшириладиган 2 та фан, ошпазлик, қандолатчилик, сартарошлик, компьютер саводхонлиги ва ўзларининг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда бошқа мос йўналишлар бўйича курсларида ўқиш харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма бараваригача миқдорда компенсация** қилинади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўқишни давлат олий таълим муассасаларида давом эттирганда уларга Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **стипендия тўловлари 50 фоизга оширилган ҳолда тўланади**.

11. **Белгиласинки,** олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан “Меҳрибонлик” уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб SOS — болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари **битирувчилари**, шунингдек, васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) **етим болалар (йигирма беш ёшга тўлмаган)** учун **ҳам татбиқ қилинади,** бунда ушбу қўшимча квоталарнинг олий таълим муассасалари бўйича тақсимоти Халқ таълими вазирлиги ва Миллий гвардия томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (А.Арипов) 2021/2022 ўқув йилида SOS — болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари битирувчиларига, шунингдек, йигирма беш ёшгача бўлган васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга ушбу бандда назарда тутилган қўшимча квоталардан фойдаланиш имкониятини таъминласин.

12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошкулов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда **бир ой муддатда** етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар)ни харид қилиш харажатларини қоплаб бериш тартибини тасдиқласин.

13. Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов) ва Молия вазирлиги (Т.Ишметов) **бир ой муддатда** ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ўқиш харажатларини компенсация қилиш тартибини тасдиқласин.

14. **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ўқув-тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлашнинг** қуйидаги тартиби жорий этилсин:

а) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги шакллантирган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар рўйхати асосида уларнинг йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳар йили амалиёт ўташи ташкил этилади;

техникум, коллеж ёки олий таълим муассасасига ўқишга кирмаган ҳамда касб эгаллаш истагидаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ўз тизимидаги “Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ва масканларида касб-ҳунарга ўқитилиши йўлга қўйилади;

Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг бандлиги бўйича доимий мониторинг амалга оширилади;

б) “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурида белгиланган маблағлар ва тартиблар доирасида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уларнинг бизнес лойиҳаларида кўзда тутилган мақсадларга кредитлар навбатга қўйилмаган ҳолда ажратилади;

в) ўқув-тарбия муассасалари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турмушини яхшилаш, касб-ҳунар ва бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган “коучинг” видео материаллар, мотивацион роликлар ва дарсликлар тўпламлари билан ўқув-тарбия муассасалари Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминланади.

15. **Белгиласинки, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, уларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олаётган ва тарбия қилаётган оилаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш мақсадида**:

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ота-оналарининг яқин қариндошларига ушбу болаларни навбатсиз фарзандликка ёки оилага тарбияга (патронатга) олиш ҳуқуқи берилади;

2021 йил 1 сентябрдан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг ташаббуси билан, етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни васийликка ва ҳомийликка олган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган оилаларга ушбу болалар 18 ёшга тўлгунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида моддий ёрдам пули тўлаш амалиёти жорий этилади;

2021 йил 1 сентябрдан кейин ногиронлиги бўлган болаларни васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган оилаларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган тўловлар базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоригача етказилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида оғир касалликка чалинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг республикада йўлга қўйилмаган жарроҳлик амалиётлари бўйича **хорижий давлатлардаги жарроҳлик операциялари билан боғлиқ харажатлар** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан **тўлиқ миқдорда компенсация қилинади;**

“Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларига 2 та психолог штат бирлиги ажратилади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда уларни фарзандликка ёки васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган фуқароларга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан бепул юридик хизмат кўрсатилади.

16. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) **икки ой муддатда**:

а) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар томонидан тўланадиган давлат божлари ва маҳаллий йиғимларга камайтирувчи коэффициентларни белгилаш юзасидан таклифларни;

б) қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи болалар академик лицей ва олий таълим муассасаларига кирганда, уларнинг мазкур пенсияни олиш ҳуқуқини академик лицей ва олий таълим муассасаларида ўқишнинг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунга қадар сақлаб қолиш;

ўқув-тарбия муассасаларига ёки етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга моддий ёрдам бериш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан хайрия ёрдами тарзида йўналтириладиган маблағлар суммасига фойда солиғини ҳисоблашда **чегириладиган харажатлар сифатида қаралишини белгилашни**;

мазкур қарордан келиб чиқиб, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

18. Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий гвардия қўмондони Р.М.Джураев, халқ таълими вазири Ш.Ҳ.Шерматов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгиласин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.М.Кенжаев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чоракда ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 9 август

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЯНГИЧА РУҲ ВА ШИЖОАТ БИЛАН...

Темир йўл транспорти дастагини ушлаганича, олис манзилларга отланадиган машинистнинг аксар ҳаёти йўлда ўтади. Матонати, иродаси йиллар давомида пўлат магистраллар сингари мустаҳкамланган фидойи соҳа эгаси ортга назар ташлар экан, юртимиз темир йўл тизимининг 30 йиллик ривожланиш босқичларини бирма-бир кўз олдидан ўтказади. Яқин тарих ва бугунги кун имкониятларини солиштиради.

Эркин УММАТОВ,
“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг йўл хўжалиги бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони

Мамлакатимиз темир йўл тизими мустақил давлатимиз билан биргаликда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўтган вақт давомида тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида барча соҳа ва тармоқлар сингари темир йўл тизимида ҳам туб ислоҳотлар бошланди.

Ушбу йўналишдаги саноат корхоналари давр талабига мос технологиялар билан жиҳозланиб, уларда замонавий йўловчи ва юк вагонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Биргина “Қуюв-механика заводи” корхонасида ҳаракатланадиган таркибни таъмирлаш базасини ривожлантириш, вагонсозликни ташкил этиш ва қуюв корхонасини реконструкция қилишга қаратилган кенг кўламли лойиҳаларни жорий этиш эвазига янги юк вагонлари, кўп тоннали контейнерлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш ва юк вагонларини капитал таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш имконияти яратилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали манзилларига етказиляпти.

“Шарғунқўмир” акциядорлик жамияти ва “Тошкент метрополитени” унитар корхонаси “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибига қўшиб берилгач, соҳада бунёдкорлик ишлари янада ортди. Ушбу йўналишлар тараққиёти, барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида замонавий техникалар харид қилинди. Ишчи-ходимларнинг ижтимоий фаолиятига катта эътибор қаратилди, маошлари оширилди. Юртдошларимиз темирйўлчилар томонидан барпо этилаётган Марказий Осиёда ягона бўлган ер усти ҳалқа метро линияси, халқаро аэропорт, кўркам истироҳат боғлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва замонавий тураржой қурилишларини кўриб, соҳа ходимларининг бунёдкорлик, яратувчанлик фазилатларига юқори баҳо бермоқда.

Темирйўлчилар томонидан 2020 йилда Тошкент метрополитенининг ер ости Юнусобод линиясида узунлиги 2,9 километр бўлган “Туркистон” ва “Юнусобод” метро бекатлари ҳамда Марказий Осиё давлатлари орасида илк бор ер усти метро линиясининг 1-босқичида 11,5 километр бўлган “Дўстлик — Қўйлиқ” участкаси бунёд этилиб, жами 7 та бекат фойдаланишга топширилган эди. 2020 йилнинг сўнгги ойида эса 5 та бекатдан иборат Сергели линияси қуриб битказилди. Айни пайтда эса “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги “Кўприкқурилиш трести” унитар корхонаси томонидан ер усти метро линиясининг 2-босқичида 15 километрлик “Қўйлиқ — Қипчоқ — Янги ҳаёт” участкасида қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий ва Ислом Каримов кўчалари кесишмасида ер ости автомобиль йўл ўтказгичи қурилиши ҳам темирйўлчиларга ишониб топширилди. Мазкур лойиҳага биноан, икки кўчанинг кесишмасида қурилаётган ер ости автомобиль йўлининг тепа қисмида буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг монументи қад ростлаши кўзда тутилган.

Айни пайтда жадаллик билан бажарилаётган Бухоро — Урганч — Хива темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари эса юк ва йўловчи ташиш самарадорлигини янада оширади. Унинг умумий узунлиги 465,5 километрдан иборат. Электрлаштириш жараёнларини босқичма-босқич амалга ошираётган 800 нафарга яқин мутахассис 160 га яқин махсус темир йўл ва қурилиш техникасидан фойдаланмоқда. Мазкур лойиҳани электрлаштириш икки йўналишда, яъни Бухоро ҳамда Хоразм ҳудудларида олиб бориляпти.

Испаниянинг “Тальго” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланадиган “Afrosiyob” электропоездлари пойтахтимиздан Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларимизга қатнамоқда. Бу электропоездлар қисқа муддатда халқимиз ва хорижий меҳмонларнинг эътибори ва ишончини қозонди. Қувонарлиси, Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида юртимизга яна битта “Afrosiyob” поезди олиб келинди ва уларнинг сони 5 тага етди.

Жорий йилнинг 18-19 март кунлари Президентимиз Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрига қилган ташрифи давомида ушбу ҳудудда автомобиль ва темир йўлларнинг ўтказувчанлигини ошириш, жамоат транспортини ривожлантириш кераклигини таъкидлаб, соҳанинг масъул раҳбарларига топшириқ берган эди. Шундан сўнг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан Салар — Чирчиқ — Хўжакент темир йўл участкасини тезюрар поездларга мослаштириш учун белгиланган лойиҳа бўйича 2 босқичда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бугунги кунда ушбу темир йўл қисмининг 17 километрлик участкасида капитал таъмирлаш ишлари жадаллик билан бажарилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт йўлакларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Зеро, мамлакатимиз магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган катта транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Бу борада соҳа ходимларининг ўрнини алоҳида эътироф этиш жоиз. Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 2 августда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида”ги фармони ҳар бир темир йўл транспорти ишчи-ходимлари, соҳа мутахассислари меҳнатини эъзозлаш рамзи бўлди. Мазкур Фармон билан мамлакатимизда август ойининг биринчи якшанбаси “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни” деб белгиланди ва бу сана доимий равишда соҳага мос, тантанали тарзда ўтказиб келиняпти. Темирйўлчиларнинг тақдирланиши, улар меҳнатининг эъзозланиши, муносиб ижтимоий ҳимояланиши, шунингдек, улар ҳаётига файз-барака киритмоқда..

Ўтган давр мобайнида соҳада улкан бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар амалга оширилди. Бугун бу ишлар давлатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Олдинда турган залворли вазифалар ижроси эса, соҳа салоҳиятини янги поғонага кўтаради.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 йиллигига

Таъкидлаш керакки, миллий армиямизнинг куч-қудрати азму шижоатли ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, бағрикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидадир.
Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.
Ишончим комилки, ана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанимиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч раҳна сололмайди, демократик ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтара олмайди.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
Ватан ҳимоячиларига байрам табригидан.

ТИНЧЛИК — КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ИШОНЧ, ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЧОРЛОВ

Содиқжон ТУРДИЕВ,
Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Халқ билан армия — бир тану бир жон

Бугун мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларнинг нуфузи ортган. Кўча-кўйда ҳарбий либосдаги йигитларга ҳавас ва ҳурмат билан қарайдиган бўлдик. Тақдирини юрт ҳимояси билан боғлаган асл ўғлонлар Президентимиз ғамхўрлигини ҳамиша юракдан ҳис қилиб келмоқда. Бу ғамхўрликни ҳарбий хизматчиларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фарзандларига олий ўқув юртларида таълим олиши учун давлат грантлари ажратилиши, ҳарбий шаҳарчаларни ободонлаштириш, уларда замонавий инфратузилмалар барпо этиш каби имтиёзларда кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига киришганданоқ Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича энг муҳим ва устувор йўналишларни белгилаб берди. Шу асосда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш учун кенг кўламли ишлар бажарилди.

Хусусан, янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий тузилмалар таркиби ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди.

Ислоҳотларнинг энг муҳим натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув тамомила ўзгарганида яққол кўриш мумкин. Йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш нафақат фахрли бурч, балки юксак шон-шарафга айланди. Ота-оналар ўз фарзандлари воягa етгач, уларнинг армиямиз сафларида хизмат қилишини ният қиладиган бўлди. Зеро, садоқатли, мард ва жасур йигитларимиз миллатнинг, юртнинг ифтихорига айланаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Мана, қарийб беш йилдирки, ҳарбий қисмлар эшиклари халқ учун, айниқса, ёш авлод учун очиқ. Бу эса янги Ўзбекистонимиз ғояларига садоқатли, ватанпарвар ҳарбий кадрларнинг қудратли авлоди шаклланишига хизмат қилмоқда.

Янги даврда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бош мақсад этиб белгиланди. Энг муҳими, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан **“Армия ва халқ — бир тану бир жондир”** деган улуғ ғоя илгари сурилди ва ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. Пировардида бугунги кунда миллий армиямиз Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолатига айланди.

Ёшларимиз тақдирини ватан келажаги билан боғлайди

Ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги учрашувларда ўғил-қизларимиз билан самимий суҳбатлашамиз. Уларнинг кўзидаги, юрагидаги шижоатни, юртга, одамларга бўлган муҳаббатни кўриб эртамиздан кўнглимиз тўлади. Ахир юрт равнақи йўлида белини маҳкам боғлаган мардлари бор элнинг келажаги, албатта, буюк бўлади. Бу олий мартабага эришишда эса халқимиз қон-қонига сингиб кетган элпарварлик, мардлик ва фидойилик каби хислатлар бизни эзгу йўлларга бошлайди.

Шу ўринда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолияти ҳақида ҳам сўз юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки мазкур кенгаш халқимиз, хусусан, ёшларимиз ва миллий армиямиз ўртасидаги узвий бирликни, ҳамфикрликни, якдилликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар ҳақида кенг жамоатчилик фикрини шакллантириб, Ватанимиз мудофаа қудратини оширишнинг долзарб масалаларини атрофлича ўрганиш, шу асосда тегишли таклиф, тавсиялар ишлаб чиқиш каби муҳим вазифаларни бажармоқда. Жумладан, Жамоатчилик кенгаши саъй-ҳаракатлари билан Қуролли Кучлар фаолиятига доир фуқаролик назорати механизми шаклланиб бораётир. Бу, албатта, кенгашнинг мамлакатимиз миқёсида олиб бораётган изчил фаолиятига ёрқин мисол бўла олади.

Таъкидлаш жоизки, янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш ва имкониятларини кенгайтиришни заруратга айлантирди.

Президентимиз Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда шу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, Жамоатчилик кенгашининг минтақавий бўлинмаларини тузиш орқали унинг

фаолиятини жонлантириш зарурлигини айтиб ўтди.

Шу мақсадда 2017 йил 23 августда Президентимизнинг **“Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори** қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида Жамоатчилик кенгашининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Шунингдек, тасдиқланган низом асосида кенгаш аъзоларининг вазифалари ва мажбуриятлари белгилаб берилди.

Мақсад ва вазифаларига кўра, кенгаш эндиликда мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатига дахлдор энг долзарб масалаларга оид жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларни ҳарбий хизматга чақиришдан бошлаб, резервга бўшатилганларнинг ижтимоий ва профессионал мослашувигача бўлган масалаларни ҳал этиш, шунга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш каби ишлар билан шуғулланади.

Хўш, ўтган йилларда Жамоатчилик кенгаши аъзолари мазкур вазифаларни қай даражада бажарди?

Жамоатчилик кенгаши Мудофаа вазирлиги фаолияти шаффофлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларга муносиб хизмат ва маиший шароитлар яратиш, ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни сақлаш, ҳарбий хизмат мавқеини ошириш, чақирувга қадар ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни маънавий-маърифий ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳарбий қисмлардаги шарт-шароитлар, ҳарбийларимизнинг ҳаёти ва хизмат фаолияти жараёнлари билан жамоатчиликни таништириб бориш, шу билан бирга, у ердаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, айни пайтда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, юртдошларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам Жамоатчилик кенгаши фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ишлардан мақсад, авваламбор, тинчликни асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш, дўстликни тараннум этишдир.

Биз инсоният тарихидаги энг ривожланган даврда яшаяпмиз. Фан-техника тараққиёти янги босқичга кўтарилмоқда, одамларга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Бироқ тинчлик, ҳаёт аввалида бўлганидек, ҳозир ҳам энг қадрли неъмат. Буни дунёнинг ҳар кунги манзараси инсониятга бот-бот эслатиб турибди. Мустақиллик йилларида халқимиз эришган энг катта бойлик, ҳеч шубҳасиз, тинч-тотув ҳаётимиздир.

Бугун Ўзбекистонда туғилиб, улғайиб, вояга етаётган ёшларимизнинг ҳар бири ўз ҳаётини, келажагини мана шу буюк ва муқаддас, бетакрор Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги билан уйғун кўради. Осуда, хотиржам ва саодатли ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни янада зиёда қилишни кўнглидаги энг тоза ва покиза ният, доимий интилажак ёруғ манзил деб билади.

Шунинг учун ҳам Жамоатчилик кенгаши фаолияти доирасида ёшлар билан ўтказиладиган тадбирлар уларнинг орзу-истаклари, эзгу интилишларидан келиб чиқиб ташкил этилади. Бу тадбирлар доирасида театр, кино усталари, хонанда ва санъаткорлар, шоир-ёзувчилар, олимлар, маънавият тарғиботчилари билан учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Жамоатчилик кенгаши ҳар доим ҳарбийлар ва ёшлар билан, кенг жамоатчилик билан бирга. Биргина 2021 йилнинг ўтган даврида Жамоатчилик кенгаши ва минтақавий бўлинмалар аъзолари ҳарбий қисм, муассасалар, билим юртлари ва маҳаллаларда ўтказилган 400 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирда фаол иштирок этди.

Ҳозирги кунда Жамоатчилик кенгашининг Жиззах, Фарғона, Сурхондарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий бўлинмалари ҳарбий қисм ва муассасалар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар томонидан фахрийлар, ёшлар ва ҳарбий хизматчилар иштирокида турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

Албатта, бу ишларнинг барчаси армия ва халқ бирлигини таъминлаш, ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш, йигит-қизлар қалбида ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, тинчлик ва фаровонликни улуғлашдек эзгу фазилатларни юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги тинч-осойишта, фаровон ва бахтли кунларимиз, ҳар жабҳада эришаётган улкан ютуқларимиз, халқимиз хотиржамлиги, бир сўз билан айтганда, гўзал турмушимиз омили ва шукуҳи, аввало, миллий армиямизнинг юртимиз сарҳадларини ишончли ҳимоя қилаётганида, ҳавфсизлигимизнинг мустаҳкам қўрғони эканида ўз аксини топади. Зеро, тинчлик келажакка ишончни мустаҳкамлайди, бу ишонч кишиларни тараққиёт сари ундайди.

МУНОСАБАТ

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МИНТАҚАВИЙ АРХИТЕКТУРАСИ

Бахтиёр МУСТАФОЕВ,
Марказий Осиё халқаро институти директори ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Ишонч ва очиқлик — Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати асоси

Сўнгги йилларда минтақада рўй бераётган туб ўзгаришлар минтақавий ҳамкорлик жараёни ўз тараққиётининг янги босқичига кираётганидан яққол далолатдир. Чегара, сув ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек, иқтисодий, инвестицион, транспорт, саноат, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик масалаларида эришилаётган юксак натижалар минтақада кооперациялар мустаҳкамланаётганини намойиш этади.

Бунга Ўзбекистоннинг минтақадаги барча давлатлар билан дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш ғоясидан келиб чиқиб, стратегик алоқалар ўрнатгани замин ҳозирлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги Ўзбекистоннинг янги минтақавий йўналиши очиқлик ва ўзаро ишончга асосланганини минтақа мамлакатлари стратегик манфаатлари бир-бирига мос келиши, халқлар дўстлик ва яхши қўшничилик шароитида бирга ривожланиши мумкин ва керак экани яна бир бор тасдиқлади. Айнан минтақавий ишонч ва очиқлик ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий тамойилига айланди.

Хорижий экспертларнинг тасдиқлашича, Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларнинг ривожланишини Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши сифатида белгилаш минтақавий ҳамкорликка янги туртки ва мазмун берди. Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати фаоллашиши Марказий Осиё ва унинг атрофидаги геосиёсий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатди.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг юқори даражасига эришиш нафақат минтақавий, балки халқаро аҳамиятга ҳам эга. Бугунги кунда минтақа ва жаҳоннинг етакчи давлатлари минтақавий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган янги тушунча ва ёндашувлар асосида Марказий Осиё сиёсатини олиб бормоқда.

Авазадаги учрашув “Самарқанд руҳи”ни мустаҳкамлади

Фаол минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиёда иқтисодий, ижтимоий, экологик ва ҳавфсизлик муаммоларини ҳал этишга асос бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” халқаро конференцияси қўшма минтақавий ташаббусларни бошлашга кучли туртки бўлди.

Ўшанда Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам Маслаҳат учрашувларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистон раҳбари: **“Марказий Осиёдаги долзарб масалаларни мамлакатларимизнинг саъй-ҳаракатларини умумий масъулият тамойили асосида бирлаштириш орқалигина ҳал этиш мумкин. Оддий ва очиқ инсоний мулоқот — минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усулдир”,** дея таъкидлаганди.

Ўзбекистон Президентининг минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини акс эттирувчи таклифи Марказий Осиё давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. 2018 йили март ойида Нур-Султон шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг дастлабки Маслаҳат учрашуви ташкил этилди. Иккинчи шундай учрашув 2019 йил ноябрь ойида Тошкентда ўтказилиб, унда қўшма баёнот ва минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш регламенти қабул қилинди.

Шундай қилиб, Самарқанддаги халқаро конференция натижалари тарихий бўлиб, ўзаро ишонч, манфаат, ҳурмат, тенглик ва биргаликда ривожланиш тамойилларига асосланган ҳамкорликнинг “Самарқанд руҳи”ни шакллантирди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Авазада бўлиб ўтган учинчи Маслаҳат учрашуви бунинг ёрқин тасдиғидир. Туркманистонда давлат раҳбарлари саммитининг аҳамияти 3 асосий омил натижасида шаклланди: **биринчидан,** минтақа давлатлари мураккаб эпидемиологик вазиятга қарамай, юзма-юз учрашув ўтказиш имконини топди, **иккинчидан,** минтақадаги барча давлатлар президентлари тадбирда иштирок этди, **учинчидан,** қўшимча форматлар ва ўзаро таъсир механизмлари яратилмоқда. Жумладан, Маслаҳат учрашуви доирасида Етакчи аёллар мулоқоти, Марказий Осиё иқтисодий форуми, миллий товарлар кўргазмаси, миллий таомлар фестивали, шунингдек, минтақа мамлакатлари санъат усталарининг тантанали концерти ташкил этилди.

Ўзбекистон мустаҳкам сиёсий ирода ва бир-бирини хабардор этган ҳолда ривожланишга содиқлигини изчил намоён этмоқда

Ўзбекистон Президенти учинчи Маслаҳат учрашувидаги иштироки доирасида минтақавий тараққиётнинг долзарб масалалари бўйича стратегик қарашларини ифода этиб, Марказий Осиёда узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган қатор устувор, илғор ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш, савдо-сотиқ соҳасидаги ўзаро муносабатларда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, минтақанинг транспорт ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, “яшил” энергетика ва энергиятежамкор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, коронавирусга қарши курашни биргаликда мувофиқлаштириш, ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш, парламентлараро ҳамкорликни, туризм имкониятларини кенгайтириш каби муҳим соҳаларга тўхталиб ўтди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари ўз нутқида миллий иқтисодиёт ва аҳоли ўсишини ҳисобга олган ҳолда, минтақада энергетика хавфсизлиги масалалари янада долзарблашаётганини таъкидлади. Бу йўналишдаги амалий чора-тадбирлар сифатида минтақа мамлакатлари Электр энергетикаси мувофиқлаштирувчи кенгашини фаоллаштириш, унинг мандати ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда давлатларнинг кенгашдаги вакиллик даражасини оширишни таклиф қилди.

Энергетика соҳасида аниқ ҳаракатларга ўтиш, бир томондан, энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасида минтақавий ҳамкорликдаги муҳим қадам бўлса, иккинчи томондан, бутун минтақанинг ишга солинмаган энергетика салоҳиятидан фойдаланиш имконини беради.

Ўзбекистон Президенти иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш борасидаги саъй-ҳаракатларни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, мамлакатларимизнинг иқлим ўзгаришига мослашишига ёрдам берадиган “Марказий Осиё учун “Яшил кун тартиби” минтақавий дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Сир эмаски, Марказий Осиё экологик фалокатлар кўп кузатиладиган ҳудудлар сирасига киради. Баланд тоғлардаги 300 та кўлнинг қирғоғини уриб кетиши хавфи ҳамон сақланиб қолмоқда. Шу билан бирга, сув ресурсларининг тақчиллиги ҳам тобора ортяпти. Жаҳон банки маълумотларига кўра, чучук сув танқислиги минтақада ЯИМнинг 11 фоиз пасайишига олиб келиши мумкин.

> **“Марказий Осиё учун “Яшил кун тартиби” минтақавий дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш минтақадаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда концептуал яқинлашиш нуқталарини топишга ёрдам беради, шунингдек, бизга иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммо ҳамда таҳдидларга самарали ва мос жавоб қайтаришга имкон яратади.**

Марказий Осиё мамлакатларида ер деградацияси ортиб бормоқда. Осиё тараққиёт банки ҳисоб-китобига кўра, агар тенденциялар ҳозиргидек давом этса, кейинги 30 йил давомида суғориладиган ерлар майдони яна 20-25 фоиз қисқариб кетади. Шу билан бирга, минтақадаги ерлар деградациясидан йиллик йўқотишлар тахминан 4,5 миллиард долларни ташкил этади.

Шу нуқтаи назардан, “Марказий Осиё учун “Яшил кун тартиби” минтақавий дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш минтақадаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда концептуал яқинлашиш нуқталарини топишга ёрдам беради, шунингдек, бизга иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммо ҳамда таҳдидларга самарали ва мос жавоб қайтаришга имкон яратади.

Президентимиз Авазадаги нутқи давомида тадбир иштирокчиларини минтақа мамлакатлари аҳолиси ярмидан кўпини ташкил этувчи ёшларнинг ўз йўлини топиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга чақирди. Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, минтақа келажаги ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга боғлиқ. Шу мақсадда 2022 йилда Ўзбекистонда Ёшлар форумини ўтказиш таклиф қилинди. Бу ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш платформасини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Шубҳасиз, ёшларнинг ўз йўлини топиши ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган инвестициялар минтақада иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий барқарорликнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

Минтақа мамлакатлари иқтисодиётини тиклаш учун пандемиянинг салбий оқибатлари сақланиб қолиши фонида туризм соҳасини унинг тез суръатлар билан ўсиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотига кўра, глобал ялпи ички маҳсулотда туризм саноати ҳиссаси 10 фоизни ташкил этади, туризм дунёда ҳар ўнта иш ўрнидан бирини ва хизматлар экспортининг 30 фоизини таъминлайди. Айни пайтда Марказий Осиёда мазкур соҳа имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. “Boston Consulting Group” компанияси ҳисоботига кўра, минтақа ЯИМнинг фақат 1-3 фоизигина туризм ҳисобига тўғри келмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар умумий ҳажмида эса туризм улуши минтақада 1 фоиздан паст.

Шу боис, Президентимизнинг туризм хизматлари доирасини қамраб оладиган “Бир саёҳат — бутун минтақа” қўшма дастурини амалий рўёбга чиқариш таклифи жуда долзарбдир. Марказий Осиё давлатлари ҳали ишга солинмаган улкан туристик салоҳиятга эга. Бунинг ёрқин мисоли 2017 ва 2020 йиллар давомида минтақага сайёҳлар оқими икки баробар ошганидир.

Шубҳасиз, Ўзбекистон раҳбари томонидан тилга олинган барча соҳаларда ҳамкорликнинг фаоллашуви бутун Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий тараққиёти учун кучли синергетик таъсирни юзага келтиради.

Умуман олганда, таҳлиллар кўрсатмоқдаки, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилувчи траектория бўйлаб ривожланмоқда. Шундай қилиб, 2017 йилда Самарқандда экилган ниҳол бугун кучли илдизларга эга гўзал дарахтга айланди, унинг меваларидан узоқ йиллар давомида, ҳеч бир истисносиз, Марказий Осиёнинг барча давлатлари ҳамда халқлари татиб кўрмоқда ва келгусида ҳам баҳраманд бўлади.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

“БИОМЕТРИК ПАСПОРТИМГА БАРМОҚЛАРИМ ИЗИ ТУШМАГАН”

узоқ йиллар бўр ушлайвериб-ушлайвериб из ўчиб кетган экан

Муҳаббат ШАРАПОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Бугун тараққиётнинг тамал тоши, юртни қудратли, миллатни буюк қила оладиган куч бўлган таълим-тарбияга, илм-фанга эътибор ҳар галгидан юқори. Таълимда суяги қотган, 50 йиллик тажрибага эга педагог сифатида умримнинг мустақиллик йилларида ўтган даврига назар ташлагим келди.

1985 йили вилоят миқёсида илк бор Қарши шаҳридаги 5-мактабда математика фани чуқур ўрганиладиган синф очилган. Ўша пайтдаги муаммоларни эсласам, эҳ-ҳее... Синф узрли сабаблар билан бир ҳафта кеч очилгани учун барча фан ўқитувчилари ярим йил маошсиз қолиб кетганди.

Собиқ иттифоқ даврида биргина боғча ёки мактаб очиш учун ҳам юқоридан йиллаб рухсат кутишлар, асаб бузишлар кўп учрарди. Биргина мисол, Қашқадарё вилоятида физика-математика мактаби очиш учун қилинган уринишлар бефойда кетган.

Бугун юртимизда математика, кимё, физика фанлари чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаблар ҳар бир туманда ташкил этилаётганининг ўзи бир мўъжиза. Бу мактаб ўқувчилари Ўзбекистоннинг янги тарихини битади. Уларни биринчи ва иккинчи Ренессансни қурган буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, янги Ренессанс бунёдкорлари деб айта оламиз.

Ёшларни аждодларга муносиб авлод этиб тарбиялаш устозлар зиммасида. Минг йиллар давомида шаклланган миллий таълим-тарбия тизими ёшлар учун ибрат намунаси бўлмоғи лозим. Буюк аллома боболаримиз Имом Бухорий, Мотуридий, Абу Муин Насафий сингари зотлар тарихда ўчмас из қолдирган. Бу улкан меросни ёшлар шуурига чуқур сингдириб, миллатимиз шаънини баланд тутмоғимиз шарт.

Президентимиз бежиз “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”, демади. Мактабга эътибор келажакка эътибор демакдир. Ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни кўриб, нега 50 йил кейин туғилмадим, деб афсусланаман. Ўқитувчиларга яратилаётган имконият ва имтиёзларни санаб улгуролмаймиз. Ўтган асрнинг 80-йилларида калькулятор билан таъминланган синф намунали саналган бўлса, ҳозир ҳар бир ўқувчимизда ноутбук бор.

Ҳатто боғча боласи ҳам мактабга бормай туриб, компьютер орқали чет тилларни бемалол ўрганмоқда. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг ментал арифметика бўйича дунё миқёсида қўлга киритаётган ютуқлари ҳавас қилса арзигулик.

Битирувчи синф ўқувчилари жаҳоннинг ўндан зиёд машҳур олий таълим муассасасига муддатидан олдин ўқишга киряпти.

Бунақаси олдин бўлган эмас. Бу ютуқларни кўриб, биз — кекса авлод вакиллари фахрланамиз, дилдан қувонамиз.

Мустақилликка қадар 20 йил ишлаб, ҳатто “халқ маорифи аълочиси” кўкрак нишонини олмаганман. Энди қарангки, мустақиллик йилларида камтарона хизматларим уч маротаба давлат мукофотига муносиб кўрилди. 1996 йили “Меҳнат шуҳрати” ордени, 2007 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони, 2016 йили Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига муносиб кўрилдим. Бу менга иқболнинг кулиб боққани эди. Оддий мактаб ўқитувчисининг Ўзбекистон Қаҳрамони бўлиши, эътибор, эҳтиром, эъзоз топиши... буни сўз билан ифодалашга ожизман.

Мактабимизга Франциядан меҳмон келганида, мени Ўзбекистон Қаҳрамони деб таништиришди. Шунда меҳмонлар ҳайратини кўрганингизда эди! Улар мамлакатида ўқитувчилар учун бундай юксак мукофот йўқлигини афсус билан билдирди. Қаранг, бугун юртимизда ўқитувчига эътибор қай даражада!

Мендан нега ўқитувчилик касбини танлаганимни тез-тез сўраб туришади. Бу ҳавасни менга онам сингдирган, кичиклигимдан, “Болам, ўқитувчи бўл”, деб қулоғимга қуйиб борган. Ҳатто университетни тугатиб, мактабда ишлаётганимда ҳам “Мактабдан узоқлашма”, деб кўп айтар эди. Чунки университет, институтларга тез-тез ишга таклиф этишарди. Шунда онам раҳматли “Сен мактаб боласини ўқитяпсан, ҳали бир куни самарасини кўрасан”, деб мактабдан узилишимга йўл қўймасди. Онам айтгандек бўлди — меҳнатим самарасини кўрдим.

Тақдиримдан, яъни ўқитувчи бўлганимдан хурсандман. Ишонасизми, биометрик паспортимга ҳатто бармоқларим изи тушмаган. Сабаби, узоқ йиллар бўр ушлайвериб-ушлайвериб, бармоқлар изи ҳам ўчиб кетган. Шунақаси ҳам бўлар экан-да.

Мендан нега ўқитувчилик касбини танлаганимни тез-тез сўраб туришади. Бу ҳавасни менга онам сингдирган, кичиклигимдан, “Болам, ўқитувчи бўл”, деб қулоғимга қуйиб борган. Ҳатто университетни тугатиб, мактабда ишлаётганимда ҳам “Мактабдан узоқлашма”, деб кўп айтар эди. Чунки университет, институтларга тез-тез ишга таклиф этишарди. Шунда онам раҳматли “Сен мактаб боласини ўқитяпсан, ҳали бир куни самарасини кўрасан”, деб мактабдан узилишимга йўл қўймасди. Онам айтгандек бўлди — меҳнатим самарасини кўрдим.

Баъзан “Сиз тўкин оилада ўсганмисиз?” деб сўрашади. Шунда фаррошнинг қизи бўлганимни, онам челак, супурги кўтариб, етти фарзандининг ҳаммасини олий маълумотли қилиб ўстиргани фахр билан айтаман.

Йиллар давомида ёш ўқитувчилар ва иқтидорли ўқувчилар учун бешта қўлланма, олий ўқув юртларига кирувчилар учун эса 5000 дан зиёд тест тўпламини тайёрладим. Ўқувчиларимнинг 21 нафари мамлакат миқёсида ўтказилган математика олимпиадасида, 3 нафари халқаро математика олимпиадасида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган.

Шогирдларим билан фахрланаман. Ёш ўқувчилар “Мени шогирдликка олинг”, деб мурожаат қилса, ҳар доим “Шартим шуки, келажакда мендан ўзиб кетсанг, шогирдликка қабул қиламан”, деб жавоб берганман.

7-синф “Геометрия” дарслиги муаллифларидан бири, марҳум Улуғбек Сағдиев ҳам шогирдим. Иқтидорли ўқувчилар учун бешта, ёш ўқитувчилар учун иккита услубий қўлланма ёзган.

Яна бир шогирдим Шаҳнозахон Ғаниева И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалига ўқишга кирувчилар учун “Элементар математика курси масалаларининг ечими” қўлланмасини тайёрлади.

— Ўқувчиларимдан уч нафари фан доктори, йигирмадан зиёди фан номзоди. Юртимиздаги турли олий таълим муассасалари ва нуфузли ташкилотларда самарали меҳнат қилиб келмоқда. Мана шундай ўқувчиларим сабаб эллик йилдирки, мактаб остонасидан узоқлаша олмайман. Болалар ҳаётим мазмунига айланган.

Халқимиз бахтли, саодатли яшашга, тинч, фаровон ҳаёт кечиришга мустақиллик шарофати туфайли эришганини ўйласам, беҳисоб шукроналар айтаман. Сўнгги йилларда бошқа соҳалар қатори таълимда бўлаётган ўзгаришлар, юксалишлар қалбимга ғурур бағишлайди. Шу юртнинг фарзанди эканимдан фахрланаман!

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ ОФИСИ

технологияларни яратишда миллий руҳ ва қадриятларга таянади

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда мазкур вазирлик юртимиз илм-фани, техникаси ва инновациялар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган иқтидор эгалари учун муносиб шароит яратмоқда. Вазирлик ҳузурида ташкил этилган турли ташкилотлар, технопарклар, ўқув ва амалий марказлар бу борада катта ишларнинг амалдаги ижросидир.

Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига асосан ташкил этилган Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансферининг миллий офиси (Инновациялар миллий офиси) фан-техника ютуқлари, инновацияларни тезроқ амалиётга жорий этиш ҳамда самарали технологияларни трансфер қилиш орқали халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, иқтисодиётимизни жадаллаштиришни ўз олдига мақсад қилган.

Инновациялар миллий офиси бош директори Олимжон ТЎЙЧИЕВ билан суҳбатимиз инновацияларни амалиётга жорий этиш ва самарали технологияларни трансфер қилишда у раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг роли ва аҳамияти, келгусидаги режалари ҳақида бўлди.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар олдинги чорак аср давомида амалга оширилган ишлардан анча кўп бўлди, десам адашмайман. Илмга асосланиб қисқа даврда катта натижага эришишнинг ўзи инновация, — дейди О.Тўйчиев. — Илм-фанга қизиқиш, тадқиқ этиш қон-қонимизга сингган. Генларимизда яшаяпти. Бироқ, мустақиллик йиллари олимларимиз яратган юзлаб ихтиро ва инновацияларнинг саноқлиларигина амалиётга татбиқ этилди.

Халқаро тажрибага кўра, инновацияларни амалиётга жорий этиш уларни яратишдан кўра қийин ҳисобланади. Чунки инсон табиатан янгиликларни дарров қабул қилавермайди. Қолаверса, ҳар қандай янгилик, ихтиро ҳам инновация бўлавермайди. Бошқаларига нисбатан самаралисинигина инновация деб ҳисоблаш мумкин.

Шу боис, инновацияларни жорий этиш мураккаб, бироқ шарафли вазифадир. Инновациялар миллий офиси айнан шундай масъулиятли вазифани ҳал қилиш жараёнида қатнашади. Жорий қилишгача бўлган давр оралиғида янги ишланмани баҳолайди, кузатувлар асосида таҳлил қилади. Иқтисодий ўсиш ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, инновацияларни жорий этишга асосий эътибор қаратади. Шунингдек, тижорийлаштиришга тайёр ишланма ва маҳсулотларни тарғиб этиш ҳамда тегишли инвесторларни жалб қилишда вазифаларимиздан биридир.

Ташкилотимиз номига тўхталсак, миллий сўзининг ўзида бир қанча маъно бор. У юртимизнинг ҳар бир фарзандига ғурур-ифтихор бағишлайди. Худди шунингдек, Инновациялар миллий офиси келажакда ўз брендимиз асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда жаҳонга машҳур технологияларни яратишда миллий руҳ ва қадриятларимизга таянади.

— Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда муайян туманларни инновацион ҳудудга айлантиришда Инновациялар миллий офисининг ҳиссаси қандай?

— Инновациялар миллий офиси чекка туман ва қишлоқларга ҳам технологиялар олиб кириб, инновацион муҳит яратиш, уларни инновацион ҳудудга айлантириш борасида қатор вазифаларни амалга оширишни режалаштирган. Бу бўйича бир нечта вилоятни ривожлантириш стратегиялари ишлаб чиқилди. Жумладан, Андижон вилояти Марҳамат туманида Андижон тажриба-кўргазма майдони ташкил этилди. Унинг негизида энг сўнгги технология ва инновацияларни тарғиб этувчи ҳамда аҳолига етказиб берувчи, “техношоп” тамойили асосида ишловчи инфратузилма пайдо бўлди.

Бундан ташқари, доривор ўсимликларни қайта ишлаш орқали фармацевтика маҳсулотлари ҳамда чорвачилик ва балиқчилик учун юқори оқсилли ем-озуқа ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Балиқчилик учун эйхорния ўсимлиги етиштирилмоқда. Германия технологияси асосида амарант ўсимлигини қайта ишлаш орқали жаҳон бозорида талаб кучли бўлган амарант ёғини олишга эришилди. Бу шифобахш ёғ жигар циррози ва бадандаги турли тошмаларга даво бўлиши тадқиқотларда ўз исботини топмоқда. Ҳозир қандли диабет касаллигига чалинган беморлар учун шакар ўрнини босувчи стевия ўсимлигини етиштириш йўлга қўйилмоқда.

Сирдарё туманида бизнес акселератор ўқув-амалий маркази ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу марказда ёшлар янги технологиялар билан ишлашни ўрганиш баробарида ўқув курсини муваффақиятли тамомлагач, ўз иш ўринларига эга бўлмоқда.

Сирдарё бизнес акселератор ўқув-амалий марказида ёшларнинг инновацион фаолият билан шуғулланиши учун Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги ташқи беғараз кўмаги жалб қилинди.

Ушбу маблағ канцелярия ва озиқ-овқат маҳсулотлари, мих ҳамда хўжалик ишлари учун қўлқоп ишлаб чиқариш мақсадида ажратилган. Ўқув-амалий марказ ўқувчиларни тикувчилик, сартарошлик, пайвандлаш, пазандалик, рус ва инглиз тиллари ҳамда компьютерда дастурлаш каби турли касбларга йўналтиради. Тажрибали мутахассислар томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларига таълим берилмоқда. Қувонарлиси, марказни битирган ёшлар орасида ўз фаолиятини сифатли йўлга қўйганлар кўпчилик.

Чуст туманини инновацион ҳудудга айлантириш лойиҳаси доирасида олис ҳудудларда жойлашган мактабларда инновацион кутубхона ташкил этилди. Туманнинг энг чекка ҳудудида жойлашган 8 та мактабга WI-Fi тизими шаклида таълим ва маълумотлар ресурсларини ўз ичига олган Q-Box офлайн тизими ўрнатилди. Бу қурилма Марҳамат туманидаги илғор технологиялар асосида қад кўтарган кутубхонага ҳам жойлаштирилди.

— Инновациялар миллий офиси вазифалари қаторида ноу-хаулардан фойдаланиш бўйича консалтинг хизматлари кўрсатиш ҳам қайд этилган. Шу хусусда ҳам маълумот берсангиз.

— Инновация барча соҳа учун бирдек зарур. Кўплаб соҳаларга жорий этилаётгани боис, янгича талқин ва тушунчалар ҳам ўз-ўзидан кириб келмоқда. Шу муносабат билан ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ёш олимлар ва инноваторлар тўқнаш келаётган масалалар юзасидан консалтинг хизматлари кўрсатишни йўлга қўйдик. Ҳозир кўплаб ёш олимлар лойиҳаларни шакллантириш бўйича мурожаат қилмоқда. Инновациялар миллий офиси ходимлари уларга лойиҳаларни бошламай туриб жорий этиш, манфаатдор томонни излаб топиш, жараённи қандай амалга ошириш ва шакллантириш бўйича зарур маслаҳатлар бериб, керакли тренинг машғулотлари ўтказмоқда.

— Инновациялар миллий офиси томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилган имкониятлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ёшлар — юртимиз келажаги. Шу сабабли имкон қадар уларнинг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантиришга эътибор қаратиб келмоқдамиз. Ҳар мавсумда юртимиздаги бирор ҳудудни танлаган ҳолда, айнан иқтидорли ёшларни ўзида жамлаган “TechnoWays“ технологик ривожланиш марафонини мунтазам ўтказяпмиз.

Бу йил Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ёшларини жалб этган ҳолда, тўрт кун давомида йигит-қизларнинг технологик билимини ошириш, уларни илғор технологиялар билан яқиндан таништириш мақсадида марафон ташкил этилди. Муҳими, унинг доирасида тажрибали менторлар томонидан ёшларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тўғри таҳлил қилиш, инновацион ишланмаларини тақдим этишда тўғри йўналиш ва кўрсатмалар бериш масаласи инобатга олинган.

Марафон доирасида Инновациялар миллий офисида мавжуд барча илғор технологиялар вилоятларга олиб борилади ҳамда ёшлар улардан фойдаланиш ва қўллашни тадбир давомида ўрганади. Шунингдек, нафақат ёшлар, балки инновацион ишланмаларга қизиқувчи барча аҳоли қатлами учун ўша манзилда кўргазмалар майдони ташкил этилади.

Бундан ташқари, инновацион технологияларни ўзида мужассам этган texnobus мавжуд. У юртимизнинг энг чекка туман ва қишлоқларига бориб, ёшларни технологиялар билан яқиндан таништиради. Texnobus фаолиятидан асосий мақсад қишлоқларда истиқомат қилаётган ёшларнинг замонавий технологиялардан, уларнинг имкониятидан хабардорлигини ошириш ва шу орқали янги креатив ғоялар шаклланишига туртки беришдир.

Қолаверса, 1 июндан эътиборан “Science Summer-2021” лойиҳаси доирасида таътил даврида кенг қамровли тадбирлар уюштиришни белгилаб олдик. Бундай тадбир ҳар ҳафта ёки икки ҳафтада бир ўтказиб келинмоқда. Яқиндагина бу тадбир Инновациялар миллий офиси замонавий лабораторияларида бўлиб ўтди. 3D прототиплаштириш ва аэрокосмик лабораториялар болаларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари робототехника лабораториясида мустақил равишда “кичик” схемаларни ишлатишни ўрганди.

Жорий йилда офис томонидан яна бир йирик лойиҳа — “Ихтирочи абитуриент” танлови эълон қилинди. У янгилик яратишга қизиқувчи абитуриентларга ўз ишланмаларини тақдим этиш ва улар орасидан сараланадиган “оригинал ғоя” эгалари қаторида Турин университетига имтиёзли ўқишга кириш йўлланмасини қўлга киритиш имконини беради. Ўйлайманки, бу ёшлар учун жуда катта имконият. Ахир талаба бўлиш ва нуфузли олийгоҳларда имтиёзли таълим олиш — ҳар бир йигит-қизнинг орзуси.

— Миллий офис фаолиятида технологиялар трансферини ҳам амалга ошириш белгиланган. Айтиш жоиз, “трансфер” ҳам нотаниш сўзлар қаторига киради. Ушбу сўзнинг маъноси, моҳияти нимада ва бу борада қандай ишлар бажарилиши кўзда тутилган?

— “Трансфер” инглиз тилидан олинган бўлиб, бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш, деган маънони англатади. Демак, сўзнинг маъносидан келиб чиққан ҳолда, технологиялар трансфери ибораси самарали технологияни муайян соҳа, йўналиш ёки мамлакатдан иккинчисига мослаштириш, деган маънони англатади.

Технологиялар трансфери шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ниҳоятда муҳим фаолият саналади. Чунки баъзан “ғилдиракни қайта кашф этмай” энг самарали технологиядан фойдаланиш вақт, маблағ ва энергия каби ресурсларни бошқа ишларга йўналтириш имконини беради. Лекин бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим: ҳеч бир технологияни шундайлигича трансфер қилиб бўлмайди. Уни, албатта, маҳаллий шароитга мослаштириш, тегишли ўзгартириш киритиш талаб этилади.

Мисол учун, ўпкани сунъий шамоллатиш ва наркоз-нафас олиш аппаратлари сув ва ҳаводек зарур бўлган пандемия шароитида Инновацион ривожланиш вазирлиги иштирокида қисқа муддатда мазкур ускуналар трансфери амалга оширилди ҳамда юртимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, яқинда Инновациялар миллий офиси АҚШнинг USAID ташкилоти кўмагида энергетика соҳаси учун “LiDAR” технологиясини Ўзбекистонга трансфер қилишга муваффақ бўлди. Марказий Осиёда муқобили бўлмаган бу замонавий ўлчов қурилмаси юртимиз ҳудудларининг қуёш ва шамол салоҳиятини юқори аниқликда ўлчаш имконини беради.

Келгусида дунёдаги айнан шу каби энг самарали технологияларни жамият ва ишлаб чиқаришдаги муаммолар ечимини топиш учун трансфер қилиш ва шу орқали янги имкониятларни яратиш кўзланган.

— Демак, технологияларни трансфер қилиш жараёнида ўз-ўзидан хорижий давлатлар билан муносабатлар юзага келади. Бу борада Инновациялар миллий офиси томонидан қандай ишлар бажарилмоқда?

— Жаҳон тажрибаси ва чет эл билан алоқалар фаолиятимизда катта аҳамият касб этади. Шу ўринда, халқаро муносабатларни ривожлантириш борасида ҳар йили кузда ўтказиладиган “InnoWeek” инновацион ғоялар ҳафталигини эслаш жоиз. Бу ҳафталикда юртимиз ва хорижлик ҳамкорлар томонидан инновацион ишланмалар ярмаркаси ташкил этилади. Жараёнда асосий эътиборни инвесторларни жалб қилишга қаратамиз. Бу йилги тадбирга ҳам тайёргарликни аллақачон бошлаб юборганмиз. Инновацион ғоялар ҳафталигида жуда кўп мамлакатлар вакиллари иштирок этишга қизиқиш билдирмоқда.

Бундан ташқари, яқинда Россия Федерациясида хизмат сафарида бўлиб қайтдик. Шарқий Европа минтақасидаги энг йирик “Сколково” технопарки раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди. Сафар давомида ушбу технопаркнинг бошқарув тизими, ёшларнинг инновацион ғояларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва уни амалиётга татбиқ этиш бўйича йўлга қўйилган янгиликлар билан яқиндан танишдик. “Сколково” тажрибасини Ўзбекистон бўйлаб бунёд этилаётган Ёшлар технопаркларига татбиқ қилишда кўмаклашиш ҳамда россиялик ҳамкорлар билан бирга, шу йилнинг ноябрь ойларида “Стартап-тур” танловини юртимизда ташкил қилиш бўйича келишувга эришдик.

Шунингдек, Татаристондаги “Иннополис” технопаркини ҳам бориб кўрдик. Технопарк резидентлари томонидан лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Хусусан, компьютер ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ICL компаниясининг телетиббиёт ҳамда таълим соҳасидаги ишланмалари, AIDOS компаниясининг тиббиёт ва мехатроника соҳасидаги симуляторлари билан яқиндан танишдик. Учрашувда Инновациялар миллий офиси ҳамда “Иннополис” технопарки ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди. Қизиғи, бу учрашувдан кўп ўтмай, “Иннополис” технопарки делегацияси яқинда Инновацион ривожланиш вазирлигида кутиб олинди. Меҳмонлар фаолиятимиз билан яқиндан танишди. Ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўллари белгилаб олинди.

— Тўртинчи саноат инқилоби технологияларининг вужудга келиши бўйича ташкил этилган халқаро онлайн конференцияда ҳам иштирок этдингиз. Анжумандан кўзланган асосий мақсад нима эди? У мамлакатимиз учун қанчалик муҳим?

— Инновациялар миллий офиси технологиялар трансфери соҳасидаги нуфузли халқаро ташкилот — БМТ тизимидаги Осиё-Тинч океани минтақасида технологиялар трансфери маркази аъзолигига қабул қилинган. Ушбу ташкилот ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати томонидан “Тўртинчи саноат инқилоби технологиялари” мавзусида конференция ташкил этилди.

Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари иқтисодий жиҳатдан тез ривожланмоқда. Шундай бўлса-да, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ривожланишнинг муҳим қатламларида муаммолар учрайди. Конференция қатнашчилари томонидан ривожланишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилиш учун тўртинчи саноат инқилоби технологияларини барқарор ривожлантириш ҳамда илгари сурилаётган мақсадларни қўллаб-қувватлаш учун инновацион ечимлар ва янги имкониятлар таклиф этилди. Бу дегани, барқарор ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш учун тўртинчи саноат инқилоби технологияларини ишлаб чиқишда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича маслаҳатлар тақдим этилади. Ушбу халқаро конференциянинг аҳамияти шундаки, у ҳамкорликдаги инновацияларнинг муаммолари, стратегиялари ва энг яхши амалиётини муҳокама қилиш учун платформа яратади. Шунингдек, бу минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва Осиё-Тинч океани минтақаси кооперация тармоқларининг ушбу технологиялар тарқалишидаги ўрнига оид муҳокамаларга ёрдам беради.

Конференция қатнашчиларига трансфер технологияларини ҳамкорликда амалга ошириш бўйича таклифлар бердик. Улар юзасидан ҳамкорликни йўлга қўйиш фикри маъқулланди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Хайриддинмурод АБУЛФАЙЗОВ суҳбатлашди.

МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Маджидов Муроджон Абдуллаевичга отаси

Абдулла Маджидовнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 йиллигига

МУҲАББАТИМ БЕШИГИДИР ВАТАН ТУПРОҒИ

ёхуд “Тановар”ни айтиб ўзлигимни, ҳаёт йўлимни топганман

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқаро мақом санъати анжуманида сўзлаган нутқида “Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак. Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак. Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур”, деб таъкидлаган эди.

Замира СУЮНОВА,
Ўзбекистон халқ артисти

Ҳар сафар мумтоз қўшиқларимизни куйлаганимда мақом оҳанглари бизнинг қонимизда оқиб туришини ҳис қиламан. Бу оҳангларни хиргойи қилган заҳоти нима учун юрагимиз бошқача ура бошлайди? Чексиз ҳаяжонимизнинг, улкан соғинчимизнинг сабаби нимада экан? Чунки биз ўзбекмиз! Ўзлигимиздан, тарихимиздан, улкан армонларимиздан куйлайдиган бу ашулаларни қандай қилиб айтмаслигимиз мумкин? Агар биз ўзбек санъатини катта бир чинорга қиёсласак, мақомларимиз ана шу дарахтнинг ўқ илдизи ҳисобланади.

Ўтган 2020 йилда пойтахтимизда Юнус Ражабий номидаги миллий мусиқа санъати институтининг очилиши тарихий воқеа бўлди, десам адашмаган бўламан. Биринчи марта мазкур институтга кириб борганимда миллий мусиқа санъатини асраш, бу ноёб меросни ривожлантириш йўлида заҳмат чеккан ва бугунги кунда ҳам жонбозлик билан фаолият олиб бораётган барча устозларимизнинг сиймолари кўз ўнгимда гавдаланаверди: Юнус Ражабий, Жўрахон Султонов, Очилхон Отахонов, Ориф Алимахсумов, Комилжон Отаниёзов, Турғун Алиматов, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова, Ғанижон Тошматов, Абдуҳошим Исмоилов...

Ушбу институтга қабул қилинган илк талабаларга қараб, бир нарсага амин бўлдим: биз ўзбеклар жуда истеъдодли халқмиз. Айниқса, сўнгги тўрт йилда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли мумтоз санъатимизга ихлосманд ёшларнинг сафи ниҳоятда кенгайди. Глобаллашув, ҳар хил маънавий таҳдидлар ҳозир бутун дунёда авж олган. Халқларнинг миллийлиги, ўзлиги йўқолиб кетаётгани бот-бот айтилади. Шундай бир замонда Ўзбекистонимизда мумтоз санъатга, маданиятга, илмга талабгор ёшларнинг кўпайиб бораётгани мени жуда қувонтиради. Улар орасида ёрқин истеъдодли, чуқур мусиқий билимга эга бўлган йигит-қизлар бисёр. Буларнинг бари давлатимиз раҳбарининг миллий санъатимизни чуқур ўрганиш, тарғиб этиш борасида олиб бораётган сиёсатлари самарасидир.

Баъзилар мақомларнинг йўллари, шакли аниқ, ўргатиб қўйсанг айтаверади, деб ўйлайди. Бироқ қалбдан айтилмаган ҳар қандай қўшиқ муваффақиятли чиқмайди. Ёш ижрочиларимиз овозидаги зунгулаларни, овозни йўналтиришда бутун диққат-эътиборини, меҳрини ижрога қаратиши лозим. Овоз кўпчиликда бор, лекин ўзига хос ширали овоз жозибасини ҳис қилиш учун тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш зарур. Ҳозир санъаткор бўламан деган ёшларимиз кўп. Аммо уларнинг аксарияти компьютер орқали қўшиқчи бўлишга ишқибоз.

Шукрки, кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан жонли ижрога бўлган талабнинг кучайиб бориши шу каби енгил қарайдиган йигит-қизларни анчагина ўйлантириб қўйди. Айни пайтда Юнус Ражабий номидаги миллий мусиқа санъати институтида нафақат ёшларга сабоқ бераман, балки ўзим ҳам мақомларимизни янада мукаммал ўрганишга ҳаракат қиламан. Санъат йўлига киришни аҳд қилган ҳар бир ижодкор яхши бир устознинг этагидан тутиши зарур. Шу боис, институтимизда устоз-шогирд анъанасига алоҳида эътибор қаратилади.

Юраги ёниқ, санъатсевар йигит-қизларга қараб туриб, ўзимнинг шогирд бўлиб юрган чоғларим ёдимга тушади. Бир куни дугоналарим янги ташкил этилаётган дуторчи қизлар ансамбли ҳақида гапириб қолишди. Дарҳол опам иккаламиз ўша ансамбль учун ўтказиладиган танловга тайёрлана бошладик. Мен мумтоз қўшиқларга меҳрим баландлиги боис, “Тановар-2” ни ижро этдим. Қўшиқни айтиб бўлганимдан сўнг устоз санъаткор Ғанижон Тошматов қўлимдан етаклаб бастакор Дони Зокировнинг олдига олиб борди. “Қаранг, Донижон, мана бу қизнинг овозидан Ҳабиба Охунованинг ҳиди келяпти!” дедилар қувонч билан. Шундан сўнг “Дуторчи қизлар” ансамблидаги қизғин фаолиятимиз бошланиб кетди. Ансамблимизга 16 ёшдан 21 ёшгача бўлган хотин-қизларни саралаб олишди. 3-босқичда ўқиётган чоғимда Ўзбекистон халқ артисти Шавкат Мирзаев “Мақом йўналишида ўқишингиз керак”, дея маслаҳат берган. Афсуски, мен уларнинг маслаҳатига кўра иш тутишга эринганман. Чунки ўқишни яна бошидан бошлашимга тўғри келар эди. Ансамблда иш бошлаганим эса, менинг ўша армонларимни рўёбга чиқарди.

Устозимиз Ғанижон Тошматов бизга нафақат санъат сирларини, балки ҳаёт сабоқларини ҳам бердилар. У киши бизга ҳар бир инсон қалбида миллий ғурур, ор-номус жуда кучли бўлиши лозимлигини, шундагина ҳар қандай миллат ўзини сақлаб қолиши мумкинлигини кўп таъкидлар эди. Шунинг учун бўлса керак, машғулотлар жараёнида биз шогирдлар ўзимизни муносиб тутишга, ўз изланишларимиз ва саъй-ҳаракатларимиз билан устозни хурсанд қилишга интилганмиз. Мухлислар ҳам сизлар куйлаган ҳар бир қўшиқдан ўзбек аёлининг нафосати, назокати, ибоси сезилиб туради, дея эътироф этишарди. Кейинчалик ансамблни ўзим бошқарган чоғимда ҳам Ғанижон Тошматовнинг мезонларига кўра, фаолият олиб боришга ҳаракат қилдим.

Тўғрисини айтиш керак, устозимиз Ғанижон Тошматов каби мумтоз санъатимизни қадрлайдиган, ўз миллий мезонларига эга бўлган санъаткорларга ўша даврларда фаолият олиб бориш осон бўлмаган.

Бугун эса, санъатсевар ёшларимиз учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Ўзбек миллий мақом санъати марказининг ташкил этилиши, Халқаро мақом анжуманининг ўтказилиши каби муҳим воқеликларни санаганим сайин кўнглим тўлиб бораверади. Ахир устозларимиз бу кунларни қанчалар орзу қилишган. Маданиятимиз ва санъатимизга кириб келган ўзгаришлар шамоли ижод аҳлининг қалбига ўзгача илҳом ва сурур бағишлаётгани рост. Миллий анъаналаримизга, кўҳна санъатимизнинг теран илдизларига қаратилаётган катта эътибор туфайли ўзбек саҳнаси яна ўзининг асл қиёфасига, табаррук қадриятларига қайтмоқда.

Шу ўринда ўтган 2020 йилда ўзим кузатган бир ҳолатни айтиб ўтмоқчиман. Пандемия даври бўлишига қарамай, мақом бўйича ўтказилган кўрик-танловларда ёшларимиз жуда фаол иштирок этишди. Танлов сўнгида 10-13 ёшли ўғил-қизларимиз билан биргаликда мақомларни куйладик. Қашқадарёлик Шоҳида деган қизча “Мўғулчаи наво”ни 2 кунда тайёрлаб устозларга тақдим этганида барчамиз ҳайратландик. Санъатимиз яна ўзининг қадим ўзанларига қайтмоқда.

Мен сабоқ асносида шогирдларимга мумтоз қўшиқларни, мақомларни ўрганиш ва ижро қилиш инсондан жуда катта изланишни, меҳнатни талаб қилишини жуда кўп таъкидлайман. Айниқса, бу жараёнда хотиранинг мустаҳкам бўлиши катта аҳамият касб этади. “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”, деб бежиз айтилмаган. Ёш санъаткорларимиз давраларда, концертларда қўшиқни бироз нотўғри айта бошласа, устоз кўрмаган экан-да, деган гап хаёлимизга келади. Устоз кўрган йигит-қизларимизнинг ижроси бошқача бўлади.

Қутлуғ байрамимиз арафасида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида вилоятларда ўтказилаётган ижодий учрашувларда иштирок этяпмиз. Ана шу учрашувлар асносида “Мақом кечалари” ҳам бўлиб ўтмоқда. Вилоятларда ташкил этилган мақом ансамбллари хонандаларининг ижроларини эшитиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Бундан 2-3 йил олдин бундай кечаларда иштирок этган ёшларимиз мақомларимизни кўр-кўрона ижро этиб бизни ташвишга солган ҳолатлар кўп бўлган. Бугун эса, миллий мусиқага қаратилган катта эътибор ва яратиб берилаётган имкониятлар туфайли Янги Ўзбекистоннинг қони тозаланган, қалби юрт меҳри ва садоқати билан тўлиб-тошган янги бир авлод етишиб келмоқда. Ана шундай ёшларимиз орасида менинг ҳам шогирдларим борлигидан қувонаман.

Кларахон Тўраева 13 ёшида менга шогирд тушган. Дутор бўйича ўқиган, кейин овозини эшитиб хонандаликка йўналтирганман. Ҳозир Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблида фаолият олиб боради. Феруза Абдукаримова эса, Ўзбекистон давлат консерваторияси 2-босқич талабаси. Шогирдларим билан ҳар сафар машғулот олиб борган пайтларимда биринчи марта мақом айтаётгандек ҳаяжонга тушаман. Халқимизнинг қанчалар бебаҳо миллий мусиқий мероси борлигидан ҳайратланавераман. Она ва Ватан сўзи ҳамиша бир-бирига уйғун сўзлар бўлиб, бу мавзулар ҳақида куйлаганимда кўзимга ёш келади. Бастакорлик фаолиятимда ҳам Ватан мавзусига кўп бор мурожаат қилганман. Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, шоиралар Шарифа Салимова, Замира Рўзиева қаламига мансуб шеърларга куй басталаганман. Ҳар бир оҳанг ва сўз ортида Ватан деб аталмиш муаззам ва табаррук заминнинг сирли сарҳадлари борлигини ҳис қиламан. Тобора кўркамлашиб бораётган кўчаларимиз, қишлоқларимиз ва шаҳарларимизга қараб, одам тўлиб-тошиб куйлагиси келади. Бу ободлик, кўркамлик, файзу барака қаердан келади? Бир-бирини қўллаб-қувватлашга, маънан ва моддий томондан кўмак беришга интилаётган қалблар туфайли эмасми?

Биз умргузаронлик қилаётган муқаддас замин ўзининг буюк авлодлари, тилсимотларга тўла илм-фани, маданияти, санъати туфайли тарих саҳифаларга муҳрланган. Биласизми, ана шу буюк тилсимот қалбимни бутун умр банд этгани учун, Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмонанд юртда туғилганим учун Яратганга минг шукрлар келтираман!

Юртимизда кино соҳасидаги ислоҳотлар 2016 йилда бошланган эди. Президентимиз 2017 йил 3 августда ижодкор зиёлилар билан ўтган учрашувда бир нечта тарихий фильмларни суратга олиш вазифасини қўйди. Тўғриси, ўшанда биз, киноижодкорлар учун кутилмаган бу имкониятдан анча шошиб қолгандик. Чунки давлатимиз раҳбари бир неча йиллардан буён қалбимизни ўртаб келаётган армонлар ҳақида гапирган эди. Тарихий фильм суратга олиш — ҳар бир режиссёрнинг орзуси. Ўз халқининг шонли ва изтиробли даврларида кечган воқеликларни кинотасмага муҳрлаш жуда катта меҳнат ва маблағ талаб қилиши табиий. Шу боис, бу борадаги улкан режаларимиз амалга ошмай келаётган эди. Давлатимиз раҳбарининг айни шу нозик ва масъулиятли жараёнга эътибор қаратиши ижодкорларга жуда катта илҳом бағишлади.

ИЖОДКОРНИНГ ЮРАГИ ЎЗБЕКЧА УРИБ ТУРСИН

ўшанда у яратган фильм халқни эргаштира олади

Жаҳонгир АҲМЕДОВ,
режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

2017 йилда тарихий фильмларни суратга олиш ишлари жадал бошланиб кетди. Бир йил ичида Президентимизнинг кино санъати ривожи билан боғлиқ иккита қарори эълон қилинди. Ушбу ҳужжатларда йиллар давомида бизни қийнаб келаётган муаммоларга ечим бўла оладиган вазифалар белгиланди.

Кино инсон маънавиятини юксалтирадиган, унга ҳаёт сабоқларини англашда ёрдам берадиган энг ёқимли ва таъсирчан воситадир. Қолаверса, ҳозирги кунда юртдошларимизнинг киноижодкорлар олдига қўяётган талаблари ҳам анча юқори. Биз дунё киносанъати ва саноатини ўрганган ҳолда, миллий маънавий илдизларимиздан, меросимиздан ҳам бохабар бўлишимиз жуда зарур.

Шу жараёнда ўз касбий малакамизни ҳам ошириб боряпмиз. Масалан, Амир Темур ҳақидаги фильмни Голливуддан Спилбергни чақиртириб суратга олдиришимиз мумкин. Бу фақат ўша фильм муваффақиятини таъминлаб беради, холос. Лекин бутун ўзбек киноси муваффақиятини таъминлай олмайди. Албатта, бу яхши тажриба, лекин жуда осон йўл. Биз ижодкорлар ўзимиз орзу қилган, кутган фильмларга ўз машаққатимиз ва қаҳрамонларимиз эвазига эришганимиз маъқул.

Тўғрисини айтиш керак, муайян бир муддат тарихий саҳналарга, миллий қаҳрамонларга мурожаат қилинмаслиги натижасида катта авлод ҳам, ёшлар ҳам чет эл сериалларига муккасидан кетиб қолди. Афсуски, уларнинг ўрнини босадиган тарихий фильмларимиз айнан ўша жараёнда керакли майдонни эгаллай олмади.

Шу ўринда бир савол туғилади: кино санъатми ёки саноат? Булар бир мақсадга хизмат қилувчи икки йўналиш ҳисобланади. Саноат замонавий техникалар, павильонлар ва мутахассисларни етказиб бериш механизмидир. Яъни тўғри йўлга қўйилган прокат тизими — саноат. Саноат эса санъат асари яратишга хизмат қилиши керак. Бугун биз томошабин келадиган, томошабин жон деб томоша қиладиган фильмлар яратишимиз керакми ёки уларни яратилаётган санъат асарларини кўришга ўргатишимиз керакми? Мен режиссёр сифатида фақат томошабин чақирадиган фильмлар яратишга қаршиман.

Куни кеча биз бу жараённи босиб ўтдик-ку. Лекин бу фильмлар зиёлилар томонидан қаттиқ танқид қилинди. Менинг қатъий фикрим — биз томошабинларни кинотеатрда санъат асарини томоша қилишга ўргатишимиз керак. Мана шу икки йўлни бирлаштириш лозим. Кино саноат сифатида равнақ топиши, лекин санъат сифатида яшаши зарур. Саноатни санъат асарларини яратишга мослаб ривожлантирайлик. Шунда бу бахслар ечим топади. Маънавий, ижодий инқилобга фақат хос соҳа вакиллари эмас, жамият ҳам етиб келади. Бугуннинг ижодкорлари — ҳозирги жамиятнинг акси. Ўзбек киносига чегирмалар, амнистия керак деган даъводан узоқман. Бунга балки ҳақим ҳам йўқдир.

Режиссёр сифатида менинг ҳақиқатим — фильм томошабинни ўз ортидан эргаштира олиши керак. Яъни биз халқнинг ичида бўлишимиз, дардини англай олишимиз муҳим. Юрагимиз ўзбекча уриб турсин. Тилимиз ўзбекча гапириши мумкин, ташқи кўринишимиз ўзбекона бўлиши, бошда дўппи бўлиши мумкин, лекин, афсуски, юрагимиз ўзбекча урмаса, ёмон. Ижодкорнинг юраги ўзбекча уриб турса, унинг фильми ҳақиқий маънода халқни ўз ортидан эргаштира олади. Бу менинг ҳақиқатим. Ҳар қандай улуғ фалсафа, ғоянинг юраги ўзбекча дукилламаса, у халқни ўз кетидан эргаштира олмайди. Ҳар қандай фильмда ҳам биринчи ўринда миллийликни марказга қўйиб олиш керак. Ғарб томошабини ҳар қандай ҳиссиётни аввал онги, кейин юраги билан қабул қилади. Биз ўзгачамиз. Аввал юрагимиз билан қабул қиламиз, юрагимиз бундан таъсирланса, онгга қадар етиб боради. Аслида, икки таъсир воситаси ҳам муҳим. Инсон камолотидаги маънавий иммунитетни бадиий асарлар беради. Беришга мажбур. Кўзга кўринмайдиган маънавий вируслар бор, уларга қарши тура оладиган иммунитет вазифасини бадиий ижод ўз зиммасига олиши керак.

Президентимизнинг “Миллий кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида айни шу ва бошқа кўплаб жиҳатлар пухта таҳлил қилинган, муаммоларнинг аниқ ечим ҳамда механизимлари кўрсатиб ўтилган. Фармон билан миллий кинематографияни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу йўналишлар кино саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш, хорижий кинокомпанияларни мамлакатга жалб қилиш, кино саноатини иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ривожлантириш, соҳада муаллифлик ҳуқуқининг кафолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ қатор вазифаларни ўз ичига олади.

Фармоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, фильм, сериал, ҳужжатли ва хроникал фильмлар ишлаб чиқариш тизими такомиллаштирилмоқда. Бюджет маблағлари ҳисобига фильмлар ишлаб чиқаришда илк бор Ўзбекистон Кинематография агентлиги учун ажратиладиган бюджет маблағларининг 50 фоизи инвестиция маблағларини жалб этиш шарти билан фильм ишлаб чиқариш учун йўналтирилади. Эндиликда давлат буюртмасига асосан ишлаб чиқариладиган ҳар бир фильм учун унинг бадиий-ғоявий мазмунини кўриб чиқувчи 5 нафар шахсдан ортиқ бўлмаган таркибда алоҳида маслаҳатчилар гуруҳи ташкил этилади. Сценарий муаллифи ва фильмни ғолиб сценарий асосида тасвирга олувчи кинокомпания алоҳида танлов орқали аниқланади. Шунингдек, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильм харажатлар сметаси аудиторлик ташкилотининг экспертизасидан ўтказилади.

Бундан ташқари, фармонда актёрларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилиши белгиланди. Амалдаги тарифга асосан, бош қаҳрамон ролини ижро этаётган актёр бир тасвирга олиш куни учун 160 минг сўм ойлик олади. Агар профессионал актёр бошқа бир хусусий фильмда кичик роль ижро этса, реклама ролигида суратга тушса ёки дубляжда қатнашса, бундан анча кўпроқ ишлаб олиши мумкин. Буни оддий томошабин ҳам билади. Фильм ижодкорлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг гонорарини фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида эркин белгилашга рухсат берилаётгани актёрларнинг ишга бўлган муносабатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Энди миллий сериаллар ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш янги босқичга чиқади. Жумладан, миллий сериаллар яратиш учун буюртма телеканалларга берилади ва телеканаллар харажатининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Кинематография агентлиги ҳар йили уларга 12 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда субсидия ажратади. Шунингдек, ҳужжатли ва хроникал фильмлар ишлаб чиқариш очиқ танлов асосида ташкил этилади. Киноасарлар яратишни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳужжатнинг асосий мақсадларидан бири. Шу боис, кинокомпаниялар харажатларининг бир қисмини давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тартиби жорий этилмоқда.

Ушбу фармондан кейин давлатимиз раҳбари “Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Тошкент халқаро кинофестивали эндиликда “Ипак йўли дурдонаси” номи билан Ўзбекистон Кинематография агентлиги томонидан 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 28 сентябрь — 3 октябрь кунлари ўтказилади. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқаро кинофестивали деб номланган Тошкент кинофестивали 1968-1997 йилларда ўша пайтдаги Кинематография давлат қўмитаси ва Киноарбоблар уюшмаси томонидан ташкил этилган. Ўзбекистонда халқаро кинофестиваль бўлиши ҳам бизнинг жаҳонга чиқишимиз учун катта бир йўлак, деб айтиш мумкин.

Кино инсон маънавиятини ва маданиятини шакллантиришда, миллий ўзига хослик, анъана ва қадриятларни тарғиб қилишда катта таъсир кучига эга. Шунингдек, кучли ривожланган киносаноат иқтисодиётнинг мустаҳкам таянчларидан бирига айланиши мумкин. Биз учун ҳар икки омил ҳам муҳим. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган фармон ва қарор айни шу жиҳатларга хизмат қилиши, шубҳасиз. Кино соҳасига берилаётган бу эътибордан руҳланган ҳолда, ҳар бир киноижодкор халқимиз учун яратган янги фильмлари билан “Лаббай” деб жавоб бермоғи лозим, деб ўйлайман.

Президентимизнинг “Дунё миқёсида турли ғоя ва мафкуралар кураши, одамлар, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун турли кучлар ўртасида рақобат кескин тус олган бугунги кунда энг оммавий санъат бўлган кининг бекиёс имкониятларидан самарали фойдаланишимиз керак”, деган сўзларини хулоса ўрнида келтирмоқчиман. Зеро, биз, киноижодкорлар олдида ана шу имкониятларни кашф этиш завқи, масъулияти бор.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2552.
76603 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржавов
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 03:00 Топширилди — 04:40

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru